

Парламент назоратини амалга ошириш самарадорлиги: ҳуқуқий асослар ва амалиёт

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида парламент фаолиятининг тутган ўрни бекиёсдир. Парламент фаолиятининг барча йўналишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қонун ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш, амалиётда қўлланилиш жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шундай экан парламент давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан бир қаторда муҳим назорат фаолиятини ҳам амалга оширади. Парламент фаолиятини мунтазам такомиллаштириш демократик давлат барпо этишнинг узвий жиҳати ҳисобланади. Юртбошимиз 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш”¹ деб таъкидлаган эдилар.

Хорижий мамлакатларда ҳам парламентнинг назорат соҳасидаги роли ва мавқеини ошириш демократик давлатнинг асосий хусусияти сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориевнинг фикрича, Бунда қуйидаги реалликлардан келиб чиқилади: аввало, “парламент – халқ томонидан бевосита сайланадиган олий давлат ҳокимияти орган, иккинчидан, у қонун чиқариш функциясини амалга оширади; учинчидан, жамиятдаги сиёсий кучлар нисбатини ифода этиб, ижтимоий манфаатларни “жамлаш” ва уйғунлаштириш (мувозанатлаштириш) вазифасини бажаради; тўртинчидан, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги тафовутларни ҳал этиш йўлида ҳамкорлик майдони бўлиб хизмат қилади; бешинчидан, мамлакат ривожланишининг устувор йўналишлари ва истиқболларини белгилайди².

Жамиятдаги қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган янги ижтимоий муносабатларни аниқлаш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси – Тошкент: Ўзбекистон, 2005 йил

² Одилқориев Х. Парламент назоратининг моҳияти ва асосий шакллари// парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. Илмий – амалий семинар материаллари/ Масъул муҳаррир: Ф.Х. Отохонов. – Тошкент; 2005. – Б 25.

назорати муҳим аҳамият касб этади. Парламент назорати мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

2015 йилнинг 23 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида Олий Мажлисининг аввалги таркиби фаолиятига юқори баҳо берилиб, унинг сўнгги йилларда амалга оширган фаолиятига доир қимматли маълумотлар, фикр-мулоҳазалар билдириб ўтдилар. Маърузада зикр этилган камчиликлар асосан парламент қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг етарлича олиб борилмаганлигига тегишлидир. Бу борада айниқса, парламент фаолиятида қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бермаётгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарурлиги таъкидланди.

Ундан ташқари таъкидлаш керакки, парламентнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига кам эътибор қаратганлигини нимада намоён бўлди?. Масалан, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, мамлакатимиз тараққиётига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаганлиги таъкидланади. Мазкур камчиликни Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш орқали ҳал этиш мумкинлигини қайд этадилар.

Миллий парламентимизнинг галдаги муҳим вазифаларидан бири қонунлар ижросини мунтазам мониторинг қилиб бориш баробарида, йўл қўйилаётган камчиликларни қонун ижодкорлиги воситасида бартараф этиб бориш ҳисобланади.

Ундан ташқари, парламентнинг алоҳида мақомга эга бўлган давлат органлари устидан олиб борадиган назорат фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қисқа муддатда прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва

унинг фаолияти қонунийлиги масаласини кўриб чиқиши зарурлиги ҳақида асослангилган таклифни илгари сурдилар. Дарҳақиқат, парламент назорати давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиб ҳокимиятлар ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур таклиф ижроси юзасидан 2016 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди. Ўйлаймизки, мазкур қарор парламент назорати самарадорлигини амалга ошириш ҳамда прокуратура органларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур йўналишда амалга оширилган энг муҳим ислоҳот парламент назорати қонунчилик асосларининг янада такомиллашгани бўлди. Хусусан, 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунида парламент назорати субъектлари ва объектлари, парламент назорати шакллари, парламент назорати натижалари, унинг натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш, парламент назорати субъектларининг мажбуриятлари, парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари мажбуриятлари, парламент назорати натижаларини кўриб чиқишнинг очиқлиги ва ошқоралиги каби масалалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур қонун нафақат парламент назоратини механизмини белгилаб бериш балки у натижасида эришиладиган ўзгаришларни ҳам белгилаб берди. Унга кўра, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича:

ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклифлар ва тавсиялар киритиши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши;

парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши;

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар ва тавсиялар киритиши;

янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши;

парламент назорати натижаларини эълон қилиши мумкин.

Мазкур нормадан маълум бўладигани, парламент назорати асосан ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан амалга оширилади. Фикримизча, келгусида мазкур қонун ижросини таъминлаш жараёнида бир неча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларга ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи вужудга келиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, парламент назорати самарадорлигини таъминлаш мазкур қонун ижросига жавобгар орган ходимларининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Шу боис мазкур қонун талабаларини бажармаган шахслар учун юридик жавобгарликни белгилаш жоиз.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “Парламент назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик” деб номланган модда киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унда қасддан парламент назорати бўйича юборилган ҳужжатларга жавоб бермаслик ёки лозим даражада жавоб бермаслик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормани белгилаш лозим. Ундан ташқари, парламент назоратининг айрим янги шакллари хусусан, парламент текширувини ижро этишга оид механизмларни парламент фаолиятига оид қонунчиликда тўлиқроқ акс эттириш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, бугун давлат ҳокимияти бошқаруви соҳасидаги туб демократик ислохотлар даврида парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.